



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 10 август, шанба

№63 (11.451)

Эркин нарҳда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Пейсни қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзолангани ҳамкорлик самарали кечишининг муҳим омили бўлмоқда, — деди Ислам Каримов. — Мазкур ҳужжат икки давлатга ҳам катта масъулият юклайди. Бу ҳужжатнинг аҳамияти шундаки,

у мамлакатларимиз ўртасида нафақат ҳарбий-техникавий, балки иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муҳим соҳаларда ҳам алоқаларни кенгайтириб боришни назарда тутди.

Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, халқаро террорчиликка қарши кураш, икки давлат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 2002 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИДАН БОШЛАБ ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ МУАЛЛИМЛАРИНИНГ, ИЛМИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Илмий ва муаллим кадрлар меҳнатини қўшимча равишда рағбатлантириш, илмий ходимларнинг, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари муаллимларининг ижтимоий-маиший ҳамда моддий турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар кўпайтирилсин.

2. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари муаллимларининг педагогик юкларини кўйидагича белгилансин:

бошланғич синфларда — ҳафтасига 18 соат; юқори синфларда — ҳафтасига 20 соат; академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида — йилига 800 соат.

3. Ушбу Фармонга мувофиқ

иш ҳақини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар дарс соатларининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда республика Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, ўз қарамоғида бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларига эга бўлган вазирликлар ҳамда идоралар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ҳафта муддатда умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, олий

таълим муассасалари муаллимларининг, илмий ходимларнинг янги иш ҳақи миқдорларини тасдиқласинлар;

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб синфлар /гуруҳлар/ тўлдирилишининг амалдаги нормативларига риоя этилган ҳолда синфлар ва гуруҳлар шакллантирилиши ҳамда ўқитувчилар ва муаллимларнинг иш ҳақи тарифлари ўз вақтида белгиланишини таъминласинлар.

5. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июндаги 12-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги 93-сон Фармонининг 1-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 7 август.



## ПАРВАРИШ АВЖИДА

Янгийўл туманидаги Х. Турсунқулов номи ширкат хўжалигининг Равшан Маҳмудов бошлиқ оилавий пудрат майдонларида бўлиқ етилган кўсақлар бодраб очила бошлади.

— Бошқа майдонларда ҳам пахта очила бошлади, — дейди бошқарув раиси Комилжон Жўраев. — Биз парваришни қизгин давом эттириб, 760 гектар майдондаги ғўзалар ҳосилига ҳосил қўшишига эришяпмиз. Мақсадимиз — бу йил 2100 тоннадан ошириб «оқ олтин» хирмони уюш.

Тумандаги Мирзо Улуғбек номи ширкат хўжалигининг пахта майдонларида ҳам пишиб етилган кўсақлар биринкетин очилапти.

С. ЖУМАНИЕЗОВ.

СУРАТДА: Чиноз туманидаги «Абутолиб ота» фермер хўжалиги раҳбари Икром Абутолибов ва механизатор Равшан Пардаевлар ғўзаларни кўздан кечирмоқда.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

## Mustaqillikning 1 yilligiga



## ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

Биз мустақилликка эришиб, жамиятни ўзимизга хос йўл билан янгилашга киришганимизга энди ўн йилдан ошди. Ўтган ҳар бир йил янги-янги фикр ва мафсуран одамлар онгига синдириш, халқимизнинг азалий урф-одатлари, қадриятлари, яшаш ва меҳнат қилиш тамойилларини тиклаш, мулкчиликнинг турли кўринишларидаги, халқаро бозор муносабатларига омухта

иқтисодиётни шакллантириб, барқарор ривожлантириш сари ҳаракатда бири-бирдан салмоқли босқичларга айланди.

Хўш, миллий истиқлолнинг ўн биринчи йили Янгийўл туманида қандай натижалар билан нишонланмоқда? Ўтган йиллар янгийўлликлар ҳаётига қандай ўзгаришлар олиб кирди. Нийёзбош, Эски Қовунчи, Халқобод, Гулбаҳор каби шаҳарча ва қишлоқларда бугун қандай янгиликларни кузатиш мумкин? Турмуш тарзида қандай янги тамойиллар юз кўрсатди? «Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири Ўзбекистон мустақиллигининг ўн бир йиллиги арафасида шу сизнинг саволлар билан Янгийўл туманининг ҳокими Йўлдошбой Тожиевга муурожаат этди. Газетамизнинг учинчи саҳифасида туманда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларни ислоҳ қилишнинг самаралари ҳақидаги ҳикояларни ўқийсиз.

(Давоми 3-бетда).

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Мана 4 йилдирки, республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлимлари ташаббуси билан мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришларни, халқимиз-

нинг мустақиллик йилларидаги дадил одимлари, бунёдкорлик ишларини, жамият маънавияти янада юксалаётганлигини, юртимиздаги барқарорлик, миллатлараро тотувлик, истиқлолимизнинг мазмун ва моҳиятини ёрқинроқ очиб бериш ва тасвирлаш мақсадида «Энг улуг, энг азиз», «Аждодлар ёди» кўрик танловининг вилоят босқичлари ўтказиб келинмоқда. Шу йилнинг 13 август

куни Қибрай туманида нуфузли ҳайъат томонидан яқунланадиган 2002 йилги босқичда қариялар йилига бағишлаб ташкил этилаётган «Сочингиз кумуши — муқаддас» кўргазмаси ҳам намойиш этилади.

Эслатиб ўтамиз: кўрик-танловга тақдим этилган асарлар оммавий ахборот воситаларида чоп этилган бўлиши ҳамда вилоят ҳайъатига 2002 йилнинг 12 август-

тигача етказиб берилиши керак.

Биз вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги ёзувчи, рассом, журналист ва барча ижодкорларни «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловида фаол иштирок этишига чорлаймиз.

Ғолиблар «Тошкент ҳақиқати» — «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларида эълон қилинади.

Кўрик-танлов ҳайъати.

## Суғурта бозори қонун асосида


Олий Мажлисда "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва етакчи суғурта компаниялари раҳбарлари қатнашди. Тадбир Олий Мажлисининг Иқтисодий-иқтисодий ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Мазкур қўмита раиси М.Умаралиев башқарган анжуманда Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида қабул қилиниб, жорий йилнинг 28 майида кучга кирган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги янги Қонун юртимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларда амалга ошириладиган ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизда барча жабхаларни эркинлаштириш ва демократлаштириш борасидаги муҳим аҳамиятга молик ҳужжат экани таъкидланди.

Қонуннинг асосий вазифаси мамлакат суғурта бозорини халқаро тажриба ва жаҳон меъёрларидан келиб чиққан ҳолда янада ривожлантириш учун қулай имконият яратишдан иборатдир. У республикаимизда суғурта фаолиятини янада ривожлантириш ва мукамаллаштириш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Йиғилишда мамлакатимизда мажбурий суғурта турларини амалга оширишни тартибга солиш ҳамда суғурта фаолиятини лицензиялаш масалаларини ҳал этиш, бу борада Давлат суғурта назорати инспекцияси томонидан олиб бориладиган ишларни янада жадаллаштириш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди.

ЎзА.



## Дарсликлар сифати ва салмоғи ошмоқда

Янги ўқув йили бошланишига ҳам оз фурсат қолди. Шу боис ўқувчиларни ўқув қуроли, айниқса, дарсликлар билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан.

Маълумки, 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб тарбияланувчилари барча дарсликлар билан таъминлаб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 январдаги "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилари кутубхона фондидаги дарсликлардан бепул фойдаланиши жорий этилди.

Маълумотларга қараганда, республикаимиз умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини 2002-2003 ўқув йилида дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси ҳамда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига 793 номда 33,6 миллион нусхадаги дарслик ва ўқув қўлланмаларига буюртма

рининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилари кутубхона фондидаги дарсликлардан бепул фойдаланиши жорий этилди.

Маълумотларга қараганда, республикаимиз умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини 2002-2003 ўқув йилида дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси ҳамда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига 793 номда 33,6 миллион нусхадаги дарслик ва ўқув қўлланмаларига буюртма

берган. Ҳозирда бу буюртма асосан бажарилаётгани кўринмоқда.

Шунингдек, бу йилги 9-синф ўқувчилари латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида таълим олаётгани боис улар учун барча дарсликлар қайта нашр этилди.

Айни пайтда жойларда ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси иш олиб бормоқда. Ушбу комиссия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш ҳолатини ўрганиб, маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар белгилади.

Мутахассислар фикрича, жойларда дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини жорий этиш яхши самара бермоқда. Яъни, тизим республикаимизда илк мартаба йўлга қўйилишига қарамай, талай афзалликларга эга эканли-

гини кўрсатди. Жумладан, ўқувчилар мактаб кутубхонасидан бутун йил учун зарур дарсликлар нархининг тўртдан бир қисмини тўлаб олди. Шунингдек, дарсликларни йил охирида бусбутун ҳолда топшириш зарурати ўқувчиларни тежамкорликка, орасталикка ўргатди. Энг муҳими, ота-оналар мазкур тизимни янада кенроқ қўллаш зарурлиги ҳақида истак ва таклиф билдирмоқдалар.

Халқ таълими вазирлиги 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 9-синфларида ҳам ижара тизимини жорий қилишни мўлжалламоқда. Бунда таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг юз фоизи, ўзбек тилидагиларнинг етмиш фоиздан кўпроги дарсликларни ижара йўли билан олади.

Беҳбуд БОТИРОВ,  
ЎзА мухбири.

## Тадбиркорларга хизмат кўрсатиб

Тадбиркорлар учун зарур товарлар ва хомашёнинг ўз вақтида етказиб берилиши кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг муҳим омилларидан бири саналади. Бу борада Республика Товар-хомашё биржаси /ЎзРТХБ/ катта аҳамиятга эга.

Июль ойида ЎзРТХБда кичик ва ўрта бизнес корхоналарига моддий-хомашё ресурсларини сотиш бўйича учта ихтисослашган кимовшди савдоси бўлиб ўтди. Биржа матбуот маркази хабар қилишича, умумий қиймати 49 миллион сўмдан ортиқ жамъи 167 тонна тақчил маҳсулот сотилди.

Турли ўлчамдаги газ қувур-

лари, даврий кесим, бурчақли металлларга талаб катта бўлди. Шунингдек, кимовшди савдоси ширинкочиларига озик-овқат тунукаси, рухланган тунука, ёғоч материаллари, мамлакатимиз ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг бошқа маҳсулотлари таклиф этилди.

М. БОЛЛИЕВА,  
ЎзА мухбири.

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозғистонда қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг генетик ресурсларини асраш бўйича биринчи давлат ҳисоботини тайёрлаш масаласини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-ўқув анжумани низоҳасига етди.

Унда юртимиз олим ва мутахассислари билан бир қаторда Германия, Италия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон вакиллари иштирок этди.

Тўрт кун давом этган анжуманда минтақамиз қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонлари генетик ресурсларининг сўнгги ўн йил мобайнидаги ҳолатини аниқлаш, таҳлил этиш, уларни асраб-авайлаш, кўпайтириш, янги зот ва насл яратиш стратегиясини ишлаб чиқиш масалаларига доир

илмий маърузалар тингланди. Кейинги юз йил давомида дунё бўйича кўп қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонларининг янги зот, тизим ва кросслари яратилди. Бу борада мамлакатимиз олимлари ҳам талай ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, ўтган ўн йил мобайнида юртимизда қорақўл қўйларнинг "Зармалларанг" типини, товуқларнинг "Ўзбекистон-1", "Ўзбекистон-2" кросслари яратилди, чорва генетик ресурслари бойитилди.

(ЎзА).

## Эртага – Қурувчилар куни

даги бунёдкорлик ишларини муваффақиятли уддалашга астойдил интилишмоқда. Капитал қурилиш соҳасида эришилган ютуқлар салмоғи ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан анча залворли бўлди. Сезиларли ижобий силжишга эришилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 40,5 миллиард сўм сармоя ўзлаштирилди. Бунинг ҳисобига ўнлаб ишоотлар ва юзлаб уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Бунёд этилган турар-жойлар сатҳи 150 минг квадрат метрдан ортиқроқни ташкил этди. Уларга кўчиб келган оилалар ҳовли тўйларни ўтказишди. 4200 ўринли мактаблар қурилди. Газ ва ичимлик сув тармоқларини барпо этишда янги марралар эгалланди. 155 километрга яқин зангори олов ва салкам 55 километр узунликдаги ичимлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди. Бу қулайликлардан, асосан, қишлоқ аҳолиси баҳраманд бўлди.

Шу кунларда вилоятимизнинг қайси бир шаҳри ва туманида бўлманг, янги-янги қурилишлар бораётгани, уларнинг ишга туширилаётганини кўрасиз. Чунки, республикаимиз мустақиллигининг ўн бир йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашаётган бинокорлар ҳамма жойда истиқлол ишоотларини барпо этиш билан шуғулланмоқдалар. Айниқса, бу йил бинокорлар «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган тадбирларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Қатор академик лицейлар ва касб-хунар

коллежлари қурилишини ёки уларни қайта бунёд этиш ишларини олиб боришяпти. Бу соҳада улар олдида катта вазифалар қўйилган. Жорий йилда шундай таълим-тарбия масканларининг ўнтасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ҳозиргача уларнинг иккитаси қуриб битказилди.

Вилоятимиз бинокорлари ўзларининг касб байрамларини шундай муносиб кутиб олмоқдалар. Бу кўп жиҳатдан халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги каби қурилишда ҳам иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш, уларни чуқурлаштириш ва такомиллаштириш натижасидир. Шу туфайли қурилиш ташкилотларининг мустақиллиги анча кенгайди, уларнинг ўз зиммаларига олган вазифаларига нисбатан масъулияти оширилди, буюртмачилар билан ўртада тузилган шартномаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишидан манфатдорлиги кучайди. Аксарият қурилиш ташкилотлари иш суръати ва сифатини ошириш учун мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга астойдил интиломоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Бекобод тумани Далварзин ширкат хўжалигида янги қишлоқ шифокорлик пункти ишга туширилди. Шифокор Иноят Маҳсудова ва ҳамшира Зарифа Хусанова беморларни қабул қилиш учун тайёрлик кўрмоқда; янги тиббий муассасанинг умумий кўриниши.

Е. БОТИРОВ  
олган суратлар.

## Қўлингиз дард кўрмасин, бунёдкорлар!

Мустақил мамлакатимизда ажойиб анъаналар таркиб топган ва улар муттасил давом этмоқда. Меҳнат аҳлининг етакчи касб эгалари шарафига таъсис этилган касб байрамлари ҳам шундайлардан ҳисобланади.

Ўтган яшанбада Темирийўлчилар кунини нишонлаган эдик. Эртага эса Қурувчилар кунини байрам қиламиз. У шубҳасиз умумхалқ айёми сифатида ўтади. Чунки, бу касб эгаларининг меҳнати меваларидан баҳраманд бўлмаган бирорта ҳам инсон йўқ десак муболаға бўлмас. Уларнинг иши бутун кишилиқ тарихи давомида қадрланиб келинган. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу байрамнинг қўлами янада кенгайди, мазмунини янада бойиди.

Бу касб эгалари меҳнати натижалари бўлган ҳашаматли бинолардан тортиб оддий иншоотларни ҳамма жойда учратиш мумкин. Уларнинг қўли гул, мақсади олижаноб, деб бежиз айтишмайди. Йўқдан бор қилиш, сахрою чўлларни гуллаб яшнаётган бўстонларга айлантиришни ният қилиб, жазирама иссиқда ҳам, қаҳратон қишда ҳам яратувчилик билан шуғулланадилар.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида уларнинг қадок қўллари, ақл-заковатлари билан қад кўтарган катта-кичик қурилишлар салмоғини таърифлаш қийин.

Бинокорлар мустақиллигимизнинг ўн бир баҳори нишонландиган жорий йилда ҳам ўз касбларига содиқ қолиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Катта ҳажм-



## Mustaqillikning 1 yilligiga

### 1. Тадбиркорлик ҳикмати

— Тарихга назар ташласак, ҳозирги Янгийул қадим-қадимдан қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, маданият-маърифат, савдо-тижорат ривожланган туманларидан бири бўлиб келганини кўрамиз. Қишлоқларимизда деҳқончилик ва богдорчилик тажрибакорларининг ибратли ишларини ҳурмат билан эслашди. Бу тажрибалар янги шароитда яна ҳам бойитилди, — деб сўз бошлади туман ҳокими Йўлдошбой Тожибоев.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш бераётган устунликлар, очаётган имкониятлардан изчил, оқилона фойдаланиш маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга хизмат қила бошлаганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мустақил ривожланишнинг бугунги асосий самараси одамларда ерга, мулкка эгаллик ҳисси уйғониб, меҳнат қадр топаётганлигида кўринмоқда. Мана қаранг: туманимизда барча ер майдонлари, тоқзорлар ва мева боғлари бугунги кунда 6500 атрофидаги оилавий пудратчиларга узоқ муддатга бириктириб берилган. Ҳар қарич ер майдони унумдорлигини оширишда меҳнатни шу зайлда ташкил этишнинг натижаларини бугун яққол кўриб турибмиз. Асосийси, пахтакор, ғаллакор, богдон ва чорвадор шартнома асосида олган ер майдонларидан тўла фойдаланиш учун кишин-ёзин изланипти. Бунинг натижаларини, саломатини аниқ тасаввур этмоқ учун икки-уч рақамни келтириш kifоя. Чунончи, барча мулк шаклидаги хўжаликларимиз, айтилик, 2000 йилни 4 миллиард сўмдан зиёд даромад билан якунлаган эдилар. Утган йили фақат ғаллачиликнинг ўзи 1 миллиард сўмдан ортиқ даромад келтирди. Дастлабки сарҳисобларимиз бу йилги иқтисодий натижалар ҳам қувончли бўлишини кўрсатяпти. Ғаллакорларимиз 33,5 минг тонна сара бугдой етиштиришди. Давлатга ғалла сотиш шартнома режаси 112 фоизга етказиб бажарилди. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 50 центнердан ошди.

«Ниёзбош» ширкат хўжалиги гектари 51, Мирзо Улуғбек — 52, «Ковунчи» — 60 центнерга етказиб хирмон кўтарди. 6137 гектар ғаллазор, ёки жами ғалла майдонларининг деярли 85 фоизи 1018 оилавий пудратчига бириктириб берилганлиги бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Улуғбек Рустамов, Фарҳод Умрзоков, Усмонали Султонов каби оилавий пудратчилар ҳар гектаридан 70 центнерга етказиб ҳосил ўриб-йигиб олишди.

Муқояса учун айрим рақамларни келтирмоқчиман. Ғаллачиликдан 1 миллиард сўм даромад олинган йили туман бўйича ҳосилдорлик ўртача 40,4 центнерданга айланган. Ялпи ҳосилдорлик 27 минг тоннадан бироз ошган. Биз ҳосилдорликни деярли 10 центнерга кўтариб, шу ҳисобдан ялпи ҳосилни бир йилда 6,5 минг тоннага кўпайтиришга эришдик.

Бугун пахта майдонларида бўлиб, деҳқонларимиз билан суҳбатлашсангиз, уларда алоҳида бир идрок, интилиш сезасиз.

Бу ўринда ҳам оилавий пудрат усули қўл келмоқда. Бу йил жами пахта майдонларининг 93,8 фоизи, ёки 7190 гектари пудратчилар тасарруфида. Ҳосил тўплашнинг ҳозирги бориши пахта майдонларининг ҳар гектаридан камида 27 центнердан сифатли пахта териб олинишидан далолат берапти.

Деҳқон-фермер хўжаликлари мулкчиликнинг салмоқли шаклига айланиб бораётди. Ҳозир қишлоқларимизда уларнинг сони 454 тага етди. Чорва ва богдорчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда уларнинг ҳиссаси ортмоқда. «Юксалиш», «Вали ота», «Жамол ота» фермер хўжаликларида чорва туёғи кўпаймоқда. Чунончи, «Чорвадор йўли» фермер хўжалиги 410 бош қорамол, шу жумладан 125 бош сизир, 62 бош қўй боқмоқда. Эргаш Камолов раҳбарлигидаги бу хўжалик ўтган етти ойда 86 центнер гўшт етиштириб, 1323 центнер сут соғиб олди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг яна бир, айтиш мумкинки, асосий самарасини ҳам мана шу «Чорвадор йўли» фермер хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Бу хўжаликда соғиб олинаётган сут тўла қайта ишланмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ёлғиз шу фермер хўжалигининг ўзида 50дан зиёд киши иш билан банд.

Ёки кенг тармоқли ишлаб чиқариш шохобчаси сифатида ривожланаётган

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Уфк» фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичларини олиб кўрайлик. У 80 гектардан ортиқроқ экин майдонига эга. 120 дан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари мавжуд. Утган йили пахта етиштириш 3372 минг, пиёз — 2860 минг, шоли — 558

қишлоқда энг танг масалалардан бири — иш билан бандлик муаммоси ечиляпти. Ҳозирги пайтда 1200 та атрофидаги тадбиркорлик корхоналари рўйхатга олинганлиги, уларнинг аксарияти ривож топиб бораётганлиги хусусий бизнес имкониятла-

# ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ



минг, бугдой — 4012 минг сўм даромад келтирди.

Барқарор мўл ҳосил етиштириб, муқим юқори даромад жамғараётган бундай хўжаликлар кўпайиб бораётди.

### 2. Янгийул тамғаси билан

Мустақиллик йилларининг энг муҳим самараси сифатида шуни таъкидламоқ мумкинки, Янгийул тумани бугун жаҳонга юз тутди. Бу — гапирини омон. Бу жаҳоннинг замирини қишлоққа саноатни олиб кириш, уни жадал ривожлантириш, хориз сармоясини жалб қилиш, янги, замонавий техника ва технологияларга дадил ўтиш билан боғлиқ тагли-тубли жараёнлар ташкил этади. Мана шу ишлар натижасида бугун туманимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, бозорга тайёр маҳсулот чиқариш тамойили кучайди. Кичик, ўрта ва хусусий бизнес корхоналари унинг асосини ташкил этапти. Кейинги йилларда уларда 5400 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. «Хўжа Акбар», «Ғайратбек», «Бинокор-Н», «Дегрез» ва «Улфат» каби кичик корхоналаримиз оёққа туриб олди. Шу асосда

ри ниҳоятда кенг эканлигидан далолат бермоқда.

Хорижий сармоядорларни туманимиздаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятлари билан таништириш борасида кўп иш қилинмоқда. АҚШ, Россия, Қозғистон, Буюк Британия, Туркия ва Қирғизистон сармоядорлари билан ҳамкорликда қатор қўшма корхоналар ташкил этилди. Натижада бир қатор озуқа-ем, ун-тегирмон, гўшт, ёғ-мой саноати корхоналари ишга туширилди. «Микрель», «EL KOL-YA», «Узан», «Прогресс ЛТД», «УЗВЕСТЛТД» ва бошқа қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

Туманимизда йилига 20 минг тонна целлюлоза, 12 минг тонна қоғоз ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган фабрика барпо этилганлигини мустақиллигимиз шарофати деб биламиз. Уни куриш учун 37,6 миллион сўм миқдоридagi чет эл сармояси жалб этилди.

Усмон Юсупов номли очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида Америка технологияси билан жиҳозланган болалар таоми цехи 10 минг тонна мева-сабзавот пью-

реси ишлаб чиқаради. Уни барпо этиш учун 36,6 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланди. «Саид Жамол Трейдинг» шўъба корхонасида охириги синов-созлаш ишлари олиб борилмоқда. Бугдой, маккажўхори ва жавдар уни тортилувчи бу корхона тўлиқ ишга тушса, 40 киши доимий иш билан банд бўлади. «Ай-Тонг» кичик корхонаси эса ўтган олти ойда 60 миллион сўмлик печенье ишлаб чиқарди.

Туманимиз илмий-техника салоҳиятининг ўзига хос бир қирраси ҳам тобора ёрқин намоён бўла бошлади. Мен бу ўринда қишлоқ хўжалик техникасини тажриба-синаш институти ходимларининг мамлакатимиз валюта захирасини кўпайтиришга қўшаётган ҳиссаларини назарда тутаятман. Эндиликда Германия, Франция, Америка ва бошқа мамлакатларнинг қишлоқ хўжалик машина-механизмлари ишлаб чиқарувчи саноат уюмлари бу илмий-техника марказимизга тез-тез мурожаат этиб туришибди. Уларга тажриба-синов хизмати кўрсатиш йилига 100 минг доллардан ортиқ сармоя келтира бошлади.

### 3. Маънавият ва маърифат сабоми

Мен бугун мулкчилик шакллари кўпайиши, айна пайтда яқка тадбиркорлик кўламнинг кенгайиб бораётганлиги одамларимизда меҳнатга иштиёқни кучайтираётганлигини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Камроқ куч ва маблағ сарфлаб, айна пайтда меҳнат унумини кўтаришга интилиш ўз самараларини бермоқда.

Бугун шаҳарчаларимиз ва қишлоқларимизни кезсангиз, ободончилик, қурилиш ишлари миқёслари қувонтиради. Мустақиллиқнинг ўн бир йиллиги арфасида бу ишлар, айниқса, оммавий тус олиб боряпти. Кексаю ёш ободонлаштириш икки ойлигида фаол қатнашяпти. Янги гузарлар, маданий-маърифий марказлар барпо этиляпти. Йигит-қизларни меҳнатга, ҳаётга тайёрлашда ўтган йили ишга туширилган 900 ўринли саноат касб-хунар коллежининг аҳамияти алоҳида. Болалар боғчалари, мактаблар, улардан ташқари таълим муассасаларимизда янги педагогик технологиялар жорий этилиб, жисмоний етук, билимли авлод камол топмоқда. Турли даражадаги фан олимпиадалари уларнинг билиш даражасини намоён этиш омили бўлиб қолди. Унинг вилоят босқичида юқори синф ўқувчиларининг 39 нафар вакили қатнашди. 9-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Г.Раҳмонбердиева қозок тили йўналиши бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллади. Қишлоқларда турмуш маданияти ва бошқа йўналишлар бўйича кўрик-танловлар ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Шу ўринда «Сиз тарихни биласизми?» танловининг аҳамиятини алоҳида таъкидламоқчиман. Марказий маданият уйида ўтказилган туман босқичида 44-мактаб ўқувчилари ғолиб чиқишди. Марказий маданият уйида мусаввирларнинг шахсий ижодий кўргазмалари ташкил этиляпти. Шундай кўргазмаларнинг бири мусаввир К.Акбаров ижодхонасига ўзига хос экскурсияга айланди.

Спортнинг хилма-хил турлари билан шуғулланиш янги-янги иқтидорларни кашф этишга ёрдам бермоқда. Футбол, теннис, каратэ тобора кенг урф бўлаётди. Шуни таъкидлаш жоизки, масалан, футбол ёш танламай қолди. Эндиликда болалар, ўрта ва кекса ёшдаги жамоаларнинг турнирлари уюштирилиб, туман ва вилоят мусобақаларида улар муваффақиятли иштирок этишяпти. Меҳнат фахрийларининг туман биринчилиги ғолиблари «Шоҳ Аббос» каратэ клубининг ҳомийлик совринларини қўлга киритишди. «Ниёзбош», Турсунқулов номили, «Ковунчи», Мирзо Улуғбек номили, Н.Ниёзов номили ширкат хўжаликлари спортчилари ҳам ҳамиша спорт мусобақаларининг ғолиблари бўлишаётир. «Соҳибкор» жамоамиз эса вилоят биринчилигида биринчи ўринни эгаллаб, кубок соҳиби бўлди.

Мустақиллик йиллари тараққиётимиз тарихида ана шундай из қолдирмоқда. Бугун яна бир янги саҳифа очилапти. Ота-боболар армони ушалиб, эркин-эмин яшаб, меҳнат қилиб, турмушнинг маънавий-маданий ва моддий даражасини кўтариш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз унда ўз аксини топяпти. Янгийул лавҳаларининг ёрқинлиги, янгиланишини ва ўсишимиз суратлари қалбларимизни ифтихор ва ғурурга тўлдириб, янги довларни эгаллашга руҳлантирмоқда.

СУРАТЛАРДА: Янгийул тумани меҳнаткашлари фаолиятдан лавҳалар.

## DUSHANBA

12

## «Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!  
Профилактика муносабати билан душанба, 12 август кунин «Ўзбекистон» телеканал кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома».  
15.45 ТВ анонс.  
15.50 «Туртинчи ҳокимият».  
16.10 «Ошин». Телесериал.  
16.40 «Обод уйда пок одамлар яшайди».  
**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**  
17.00 1. «Камалак».  
Кинодастур. 2.  
«Кўшигим, жон-кўшигим».

18.00 Янгиликлар  
18.10 «Мулк».  
18.30 «Олтин мерос».  
18.45 «Бахтли воқеа».  
Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.  
21.30 «Бугуннинг гапи».  
21.50 2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили: «Париси бор уй».  
22.10 «Спорт, спорт, спорт».  
22.25 «Филипп Марлоу».  
Телесериал.  
23.15 «Ахборот – дайжест».

23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр тонги.  
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».  
10.20 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
10.35 Саломатлик сирлари.  
10.55 Мусиқий лаҳзалар.  
11.05 «Давр» ҳафта ичида.  
11.40 Болалар экрани «Кувнок сеҳргарлик».  
12.45 «Давр»-news.  
13.05 Бояуддин Боймирзаев «Дуоибад» спектакли. 1-қисм.  
14.05 Автосалтанат.  
14.20 «Дуоибад» спектакли. 2-қисм.  
15.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
16.05 Ўзбекистон Республи-

қаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Озод юрт фарзандлари».  
16.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.  
16.55 Кўрсатувлар дастури.  
17.00 «Янги авлод» почтаси.  
17.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.30 Спорт ҳафтанома.  
17.45 Хоразм телерадио-компанияси тақдим этади: «Хива – шарқ гавҳари».  
18.05 Ватан манзаралари.  
18.25 Тафаккур ёлқинлари.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 Бир ўлкачи.  
20.10 Ёшлар овози.  
20.30 Мухаббат навалари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Қишлоқдаги тенгдо-

шим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида-23.50 Давр.  
1.00-1.05 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «Оффисина баридан чиққан фибригларлар». 52-қисм.  
17.45, 19.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.  
18.00 «Болажонлар экрани».  
«Шарки ва Жорж». 6-қисм.  
18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».  
19.25 «Авто-news».  
19.45 «Камалак».

20.30 ТТВда сериал: «Изувар Пуаро».  
«Родессия учбурчаги».  
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 8-қисм.  
22.55 Кинонигоҳ. «Ҳаёт сурури».  
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
15.30 – 16.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.20 «Юзга бир». Шоу.  
17.00 «Евроњьюс» янгиликлари.  
17.15 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.  
18.15 «Аралаш».  
18.35 «Уйқудаги шер».

Кинокомедия.  
20.00 «Время».  
20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.  
21.40 «Немис тўлкани».  
22.00 Киноматограф. «Марказий вокзал». Бадий фильм.  
23.20 «Ахборот» (рус тилида)  
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

16.55 гача профилактика ишлари.  
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати. 17.40, 20.35 – «Телехамкор». 18.00 «Тергов сирлари». Сериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Ёввойи ўйинлар». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастури. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Севги хавфлари». 23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

## SESHANBA

13

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 – 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Фавворалар».  
9.10 Халқ севган достонлар. «Гурўгли ва Бозиргон». 1-қисм.  
9.40 «Соғлом она – соғлом бола».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Мулк».  
10.25 «Дўст». Бадий фильм.  
11.55, 14.25 ТВ анонс.  
12.05 «Париси бор уй».  
12.25 «Спорт, спорт, спорт».  
12.40 «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм.  
14.10 «Сиясат оламида».

14.30 «Хазиналар ороли». Мультфильм премьераси.  
15.50 «Мусиқа бекати».  
**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**  
16.00 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Улғайиш погоналари».  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».  
18.10 «Ёнғоқ новдаси» Мультфильм.  
18.30 «Баркамол авлод орзуси».  
18.50 «Инсон ва қонун».  
19.10 «Озодлик оҳанглари». Мусиқий композиция.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақилли-

гининг 11 йиллигига. «Тараққиёт йўли».  
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.  
21.50 «Ўзбекистон» каналида илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
22.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Тарих кўзгуси». 10-қисм.  
22.45 «Олам футболи».  
23.05 «Ахборот – дайжест».  
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» почтаси.  
9.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
9.45 Бир ўлкачи  
10.05 Мусиқий лаҳзалар.  
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.50 Эъоз.  
11.10 Болалар экрани: «Бўрининг саргузаштлари». Мультфильм.

12.00 Жаҳон жуғрофияси.  
12.50 Ёшлар овози.  
13.10 Интерфутбол.  
14.55 Жараён.  
15.10 «Императорнинг сўнги фармони». Бадий фильм.  
16.40 ТВ-анонс.  
16.45 Кўрсатувлар дастури.  
16.50 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».  
17.10 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.25 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
17.40 Ўзбегим кураши.  
18.00 Автопатрул.  
18.20 Минг бир маслаҳат.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 Кўҳна оҳанглар.  
19.40 «Давр»-интервью.  
19.55 Марди майдон.  
20.15 Дийдор.  
20.35 Ёшлик навалари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.  
22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Нокаут.  
23.30 Давр.  
23.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.  
00.20-00.25 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «Оффисина баридан чиққан фибригларлар». 53-қисм.  
17.45, 19.05, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.  
18.00 «Болажонлар экрани».  
«Шарки ва Жорж». 7-қисм.  
18.30, 20.00, 21.15, 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Спорт ва болалар».  
19.20 «Аёл-она, мураббий, раҳбар».  
19.35 «ТВ плюс».  
20.30 ТТВда сериал: «Изувар Пуаро».  
«Клэжхемалик ошпазнинг саргузаштлари».  
21.35 Ҳаёт сабоқлари:

«Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 9-қисм.  
22.30 «Туризм ҳақида».  
23.25 Кинонигоҳ. «Оқшом чоғи арши аълода».  
00.55-1.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
15.30 – 16.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.20 «Ўз-ўзига режиссёр».  
17.00 «Евроњьюс» янгиликлари.  
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.15 «Майамилик пакана». Кинокомедия.  
20.00 «Время».  
20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.  
21.40 К. Орбакайте иштирокидаги концерт дастури.  
23.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)  
23.20 Киноматограф. «Ишон». Бадий фильм.  
00.50 «Ахборот» (рус тилида)  
1.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 – «Телехамкор». 9.30, 14.10 – Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури. 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Минотаврга ташриф». 1-сери. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Сериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал. 15.50 «30-да спорт». 17.00 Шоу соати. 18.00 «Тергов сирлари». Сериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Қондасиз уруш». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Соқчилар». 23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

## CHORSHANBA

14

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 – 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Хонобод».  
9.10 Халқ севган достонлар. «Гурўгли ва Бозиргон». 2-қисм.  
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 Алифбо сабоқлари.  
10.25 «У замоналар ўтиб кетди». Бадий фильм.  
11.40 «Қалб гавҳари».  
12.05 «Баркамол авлод орзуси».  
12.25, 13.55 ТВ анонс.  
12.30 «Остонаси тиллодан».  
12.50 Муайтай бўйича республика биринчилиги.  
13.15, 16.00 ТВ клип.

13.25 «Ошин». Телесериал.  
14.10 Дутор ва танбур тароналари.  
14.30 «Найранг». Бадий фильм.  
16.10 «Ягона оилада».  
16.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Тараққиёт йўли».  
**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**  
17.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Болалар ва катталар».  
18.10 Тазквандо бўйича Осиё чемпиони.  
18.35 «Аёл дунёни тебратар».  
18.55 Бир жуфт қўшиқ.  
19.05 «Мулк».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Юзма-юз».  
20.30 «Ахборот».

21.05 «Ўзбекистон – Ватаним маним».  
21.35 «Парламент вақти».  
21.55 «Ўзбекистон» каналида илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
22.25 «Спорт, спорт, спорт».  
22.40 «Мувоозанат».  
23.05 «Ахборот – дайжест».  
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».  
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
9.50 «Давр»-интервью.  
10.05 Мусиқий лаҳзалар.  
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
11.00 Болалар экрани «Бинафшаранг шар».  
12.15 Ёшлар овози.  
12.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

Телесериал.  
13.25 Хоразм телерадио-компанияси тақдим этади: «Хива – шарқ гавҳари».  
13.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.  
14.25 Ватан манзаралари.  
14.45 Автопатруль.  
15.05 «Ҳамроз». Бадий фильм. 1-қисм.  
16.40 Кўрсатувлар дастури.  
16.45 «Янги авлод» студияси: Ассалом, оромгоҳ!  
17.00 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.15 Болажон.  
17.35 Олов билан юзма-юз.  
17.50 Чемпион сирлари.  
18.10 Келинг, кулшайлик.  
18.15 Ракурс.  
18.35 Каталог.  
18.45 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 Кўҳна оҳанглар.  
19.45 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурҳонов». Видеофильм. 1-қисм.  
20.00 Спортлото.  
20.10 ТВ-анонс.

20.15 Очил дастурхон.  
20.30 Севги тароналари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида-23.50 Давр.  
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «Оффисина баридан чиққан фибригларлар». 54-қисм.  
17.45, 19.15, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.  
18.00 «Болажонлар экрани».  
«Шарки ва Жорж». 8-қисм.  
18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».  
19.30 «Аёл қалби».

19.55 «Жозиба».  
20.30 ТТВда сериал: «Изувар Пуаро».  
«Мьюзедаги қотиллик».  
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 10-қисм.  
22.55 Кинонигоҳ. «Махлук».  
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
15.30 – 16.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.20 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».  
16.45 «Болалар куйлаганда».  
17.00 «Евроњьюс» янгиликлари.  
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.15 «Одам-кадиллак». Кинокомедия.  
20.00 «Время».  
20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.  
21.40 «Мусиқий серпантин».

22.25 «Тегризмдаги олам».  
23.05 Киноматограф. «Хамтовоқлар». Бадий фильм.  
00.35 «Ахборот» (рус тилида)  
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 – «Телехамкор». 9.30, 14.10 – Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Минотаврга ташриф». 2-сери. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал. 15.50 «30-да спорт». 17.00 Шоу соати. 18.00 «Тергов сирлари». Сериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Орқага назар ташла!». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 21.30 Хинд киноси: «Кўзғолонли муҳаббат».

## PAYSHANBA

15

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 – 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**  
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Болалар ва катталар».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Мулк».  
10.25 «Ўзлигини йўқотиш». Бадий фильм. 1-қисм.  
11.35 «Рангин дунё».  
11.55, 13.55, 16.35 ТВ анонс.  
12.05 «Спорт, спорт, спорт».  
12.20, 15.45 ТВ клип.  
12.30 «Мувоозанат».  
12.55 «Ўзбекистон –

Ватаним маним».  
13.25 «Ошин». Телесериал.  
14.10 Тазквандо бўйича Осиё чемпиони.  
14.35 «Ўзлигини йўқотиш». Бадий фильм. 2-қисм.  
15.55 «Аёл дунёни тебратар».  
16.15 «Парламент вақти».  
16.40 «Портретга чизгилар».  
**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**  
17.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Цирк, цирк, цирк...».  
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
18.30 «Яхши ният».

Телелотерея.  
19.05 «Олтин бешик».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Телемулоқот: «Соғлом авлод – бу бизнинг келажагимиз».  
21.40 «Кўшигимиз Сизга армуғон».  
22.05 «Саҳна ҳаёти».  
22.30 «Йўл бошида».

22.50 «Филипп Марлоу». Телесериал.  
23.40 «Ахборот-дайжест».  
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: Ассалом, оромгоҳ!  
9.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
9.45 Болажон.  
10.05 Мусиқий лаҳзалар.  
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.

10.45 Ракурс.  
11.05 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурҳонов». Видеофильм 1-қисм.  
11.20 Спорт-қитъаси (рус тилида)  
11.50 Чемпион сирлари (рус тилида)  
12.10 Болалар экрани «Алиса гаройиботлар мамлакатида». Мультфильм.  
13.25 Интерфутбол.  
15.05 Ёшлар овози.  
15.25 «Ҳамроз». Бадий фильм. 2-қисм.  
16.40 Олов билан юзма-юз.

16.55 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.  
17.30 Кўрсатувлар дастури.  
17.35 Уйна, болажон, уйна.  
17.50 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».  
18.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
18.20 Табобат оламида.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 «Давр»-интервью.  
19.55 Кўҳна оҳанглар.

20.00 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурхонов». Видеофильм. 2-қисм.  
20.15 Бегийим.  
20.35 «Ёр ишки». Мусикий дастур.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.35 «Эсмeральда». Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 «Мухаббат қаҳваси».

Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида-  
23.50 Давр.  
00.55-1.00 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 55-қисм (яқунловчи)

17.50, 19.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.  
18.05 Мультифильм.  
18.15 «Навнихол».  
18.30, 20.00, 21.20, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Камолот фасли».  
19.30 «Умр йўлдоши».  
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».  
21.40 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси.

11-қисм.  
22.35 Кинонигоҳ. «Рицарь киличи».  
00.05-00.10 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
15.30 - 16.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.20 СҒ тақдим этади «Байрамлар юрти».

16.45 «Вақт ҳазинасидан».  
17.00 «Евроњюс» янгиликлари.  
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.15 «Гранд-отель». Бадий фильм.  
20.00 «Время».  
20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.  
21.40 «Ишбилармон кишилар».  
22.00 «Авиация дунёси».  
22.20 «Соккер клуб».  
22.40 Кинематограф. «Ой

нури» агентлиги». Бадий фильм.  
00.15 «Ахборот» (рус тилида)  
00.50 «Тунингиз оғуда бўлсин!»  
**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Ботирлар» Сериал. 10.40 «Яши кайфият». 11.10 «Иблис боласи». Сериал. 12.00 «Минотаврага ташриф». 3-серия.

13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги киносеанс: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал. 15.50 «30-да спорт». 17.00 «Шоу соати». 18.00 «Тергов сирлари». Сериал. 19.00 «30-канал» киноқшоми: «Узоқ давом этган уик-энд». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур. 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Душман». 23.15 «Сиреналар». Сериал.

**JUMA**  
**«Ўзбекистон» телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси».**  
9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Цирк, цирк, цирк».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Ғаройиб тўти Поли». Бадий фильм.  
11.30 «Ўзбекистон: ХХI аср ёшлари».  
11.50, 16.50 ТВ клип.  
12.05 «Фанимиз истиқболлари».  
12.25, 13.55, 16.00 ТВ анонс.  
12.30 «Саҳна ҳаёти».  
12.55 «Кўшигимиз Сизга армуғон».  
13.20 «Олам».

Телеальманах.  
14.10 «Йўл бошида».  
14.30 Кундузги сеанс: «Кузги марафон». Бадий фильм.  
16.05 Ўзбекистон бастакорлари.  
16.30 «Хуқуқ сабоқлари».  
**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**  
17.00 1. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультисериал. 2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.  
18.10 «Тиббиёт одимлари».  
18.25 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
18.45 «Тафсилот».  
19.05 «Хидоят сари».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Истиқлол нашидаси».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11

йиллигига. «Тараққиёт йўли».  
21.25 ТВ клип.  
21.35 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
22.05 «Сийсат оламида».  
22.20 «Спорт, спорт, спорт».  
22.35 «Ахборот - дайжест».  
22.55 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Насаф». Марказий стадиондан олиб кўрсатилади (Ёзиб олинган)  
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».  
9.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультисериал.  
9.45 Уйна, болажон, уйна.  
10.00 «Давр»-интервью.  
10.15 Мусикий лаҳзалар.  
10.30 «Эсмeральда».

Телесериал.  
11.00 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурхонов». Видеофильм. 2-қисм.  
11.15 Минг бир маслаҳат.  
11.35 Болалар экрани «Сехрли чирок». Мультифильм.  
13.00 Ёшлар овози.  
13.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
14.10 Бегийим.  
14.30 Интерфутбол.  
16.10 «Сирли шарча». Бадий фильм.  
17.15 Азизим.  
17.55 Кўрсатувлар дастури.  
18.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».  
18.20 Хуқуқ ва бурч.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Оҳанрабо.  
19.45 Ёшлар овози.  
20.05 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурхонов». Видеофильм. 3-қисм.

20.20 «Давр»-репортаж.  
20.30 Ёшлик қўшиқлари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмeральда». Телесериал.  
21.30 Аскар мактублари.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.  
00.05 Давр.  
00.20 «Хақиқат чегараси». Сериал.  
00.55-1.00 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Сени излаб». Қисқа метражли бадий фильм.  
17.55, 19.20, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 9-қисм.  
18.30, 20.00, 22.00, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Олтин ноҳун». Т. Алиматов. 1-кўрсатув.  
19.35 «Эл хизматида».

19.50 Мусикий лаҳзалар.  
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».  
21.20 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 12-қисм.  
23.00 «Кинонигоҳ».  
«Майерлинг». 1-қисм.  
24.00-00.05 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
15.30 - 16.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.20 «Мультисеанс».  
17.00 «Евроњюс».  
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.15 «Инсон ва қрун».  
18.50 «Муъжизалар майдони».  
20.00 «Время».  
20.35 «Лев Лешченковнинг юбилей концерти».  
22.30 «Дурдаршан».  
22.55 Кинонинг олтин асри: «Ниццалик ота». Бадий

фильм.  
00.25 «Ахборот» (рус тилида)  
1.00 «Тунингиз оғуда бўлсин!»  
**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Сухбатдош». Дам олиш дастури. 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Минотаврага ташриф». 4-серия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал. 15.50 «30-да спорт». 17.00 Шоу соати. 18.00 «Тергов сирлари». Сериал. 19.00 «30-канал» да ринг қироллари. 19.45 Елена Степаненко шоуси. 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур. 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Агент 007». «Факат сенинг кўзларинг учун». 23.35 «Сиреналар». Сериал.

**SHANBA**  
**«Ўзбекистон» телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**  
9.00 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультисериал.  
10.00 «Хидоят сари».  
10.20, 12.50, 16.30 ТВ анонс.  
10.25 «Спорт, спорт, спорт».  
10.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. «Тараққиёт йўли».  
11.00 «Зарблар сеҳри».  
11.25 «Дала ўртасидаги дарахт». Видеофильм.  
12.30 «Хатларда ҳаёт».  
12.55 «Ойдан тушган малика». Бадий фильм.  
14.45 «Маърифат». Телеальманах.  
15.05, 17.25 ТВ клип.

Адабий жараён:  
15.15 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти».  
16.00 «Ягона оилада».  
16.35 «Аския».  
17.00 «Миттивойлар оиласи». Киноқўрсатув.  
17.35 «Рангин дунё».  
**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**  
18.00 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу.  
19.00 Эстрада тароналари.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 2002-йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Келин-куёв». Телешоу.  
22.15 «Шанба оқшомда».  
22.40 «Ахборот-дайжест».  
**«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.**  
23.00 «Нақадар тотли сўз -

Озодлик». «Ватанпарвар». Бадий фильм. 1-қисм.  
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр» Тонгги.  
9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».  
9.20 «Мультимоша».  
9.35 Табобат оламида.  
9.55 «Давр»-репортаж.  
10.05 Мусикий лаҳзалар.  
10.20 «Эсмeральда». Телесериал.  
10.50 Ёшлар овози.  
11.10 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурхонов». Видеофильм. 3-қисм.  
11.25 Ватан ҳақида қўшиқлар.  
11.35 Ринг қироллари.  
12.35 Кутилмаган меҳмон.  
12.55 «Денгиз одамлари». Бадий фильм.  
14.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.  
15.05 Юлдузлар чехраси.  
15.30 «Экспедиция».  
Ҳужжатли сериал.  
16.20 «Ота». Видеофильм.  
16.40 «Рамаёна». Телесериал.  
17.15 Кўрсатувлар дастури.

17.20 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».  
17.40 Бола тилидан.  
18.10 Футбол плюс.  
18.30 Каталог.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Оҳанрабо.  
20.15, 20.50, 22.35 Эълонлар  
20.20 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.  
20.55 Ёшлик наволари.  
21.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: «Қорақалпоғистон Республикаси».  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 Тунги тароналар.  
22.50 Кинотақдим.  
23.10 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Хотира азоби». Бадий фильм.  
00.45-00.50 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Болажонлар экрани».

«Шарки ва Жорж». 10-қисм.  
17.40 «Ҳақон географияси».  
18.25, 19.45, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.  
18.40 «Мисли гавҳар».  
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)  
19.20 «Ташриф».  
20.00 «Спорт-клуб».  
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».  
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача.  
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 13-қисм.  
22.15 «Ҳамшаҳарлар».  
22.40 «Кинонигоҳ».  
«Майерлинг». 2-қисм.  
23.45-23.50 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.10 Е. Петросяниннинг Кулгу панорамаси.  
9.45 «Лаззат».  
10.05 Машҳурлар.  
Регимонтис Адомайтис.  
10.35 «СҒ янгиликлари».  
10.45 «Инглиз тили Сиз учун».

11.10 «Фан тайм».  
11.20 «Кўнги кўнги пайванд».  
11.50 Болалар соати: «Рок ку-ка-ре-ку». Мультифильм.  
13.15-14.15 Дўстлик видеоканали: «Ўзбекистон умумий уйимиз». «Саҳий хонандонда». «Бизнен мирас».  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Бинафша».  
16.30 «Британия қундалиги».  
16.50 СҒ тақдим этади: «Бешикчи ўлчов».  
17.15 Валерия иштирокидаги концерт дастури.  
17.55 Е. Петросян таклиф этади.  
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйин.  
20.00 «Время».  
20.30 «Француз бусаси». Кинокомедия.  
22.35 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».  
22.45 Тунги канал: «Ҳали кеч эмас...»  
**Дам олиш дастури.**  
22.50 «Тенгдошлар». Сериал.  
23.20 «Шягер».  
23.35 «Эслайсизми?»  
23.45 «Вояж».  
24.00 «Муз zone».  
00.15 «Яшаш воситаси».

00.30 «Юлдуз билан кечки тановул».  
00.45 «Бешикчи халқа».  
1.00 «Телеанонс».  
1.10 Киносеанс: «Канар маликаси». Бадий фильм.  
2.25 «Тунингиз оғуда бўлсин!»  
**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30 «Сув париси». Мультисериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Твистинг қувноқ оиласи». Телесериал. 12.00 Оилавий кино. «Келажак ҳақида ўйлар». 13.40 Бокс ишқибозлари учун. 14.30 Ҳинд киноси: «Мени алдашга уринма». 16.40 «Яширин камера билан». Юмор дастури. 17.00 «Ўз ўйини». Телешоу. 18.10 «30-канал» киноқшоми: «Шиддатли даврлар». 19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 21.00 «Уни Никита деб атардилар». Сериал. 21.55 «30-канал» киноқшоми: «Каллакесарлар ороли». 23.30 «Доринома». Сериал. 24.00 Мусикий дастур.

**YAKSHANBA**  
**«Ўзбекистон» телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.05 «Ғаройибот».  
9.20 «Чип ва Дэйл ёрдамга ошиқади». Мультифильм.  
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».  
11.00 «Она меҳри».  
11.20, 14.50, 17.55 ТВ анонс.  
11.25 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.  
12.00, 16.45 ТВ клип.  
12.10 «Қармоқ». Андижон вилояти драма театрининг спектакли.  
13.25 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу.  
14.25 «Кўҳна замин оҳанглари».  
14.55 «Бургунд қасрининг сирлари». Бадий

фильм.  
16.25 «Қалб гавҳари».  
**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**  
16.55 1. «Санъат гўнчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион уйин.  
18.00 «Талабалик йилларим».  
18.25 «Тўртинчи ҳокимият».  
18.45 «Оқ олтин».  
Телелотерея.  
19.15 «Бир жуфт қўшиқ».  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар  
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)  
20.05 «Кўшигимиз Сизга армуғон».  
20.30 «Тахлилнома».  
21.15 «Яшанбада Сиз билан бирга».  
21.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».  
22.40 «Истиқлол умидлари». Спорт дастури.  
**«Яшанба кинозали»:**  
23.00 «Кино оламида».  
23.20 «Нақадар тотли сўз -

Озодлик». «Ватанпарвар». Бадий фильм. 2-қисм.  
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр» Тонгги.  
9.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эгчил-у, ким чақон».  
9.25 Футбол плюс.  
9.45 «Давр»-интервью.  
10.00 Заковат.  
10.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.  
11.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: «Қорақалпоғистон Республикаси». Видеофильм.  
11.35 «Ёшлар» телеканалда харбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари.  
12.15 Очил дастурхон.  
12.30 Нокаут.  
12.55 Чемпион сирлари.  
13.15 «Инспекторлар».

Бадий фильм.  
14.45 Қишлоқдаги тенгдошим.  
15.05 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.  
15.55 Кўҳна оҳанглари.  
16.05 «Рамаёна». Телесериал.  
16.40 Кўрсатувлар дастури.  
16.45 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».  
17.05 Мультифильм.  
17.15 Спорт ҳафтаномаси.  
17.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
16.40 Кўрсатувлар дастури.  
16.45 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».  
17.05 Мультифильм.  
17.15 Спорт ҳафтаномаси.  
17.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
18.20 Очун.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр»-news.  
19.20 Мухаббат ва ёшлик қўшиқлари.  
19.35, 20.20, 22.30 Эълонлар  
19.40 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 2-қисм.  
20.25 Зинама-зина.  
20.55 Кўҳна мозий оҳанглари.  
21.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: «Сурхондарё вилояти».

Видеофильм премьераси.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр» ҳафта ичида.  
22.35 Тунги тароналар.  
22.45 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Дўстим Жо». Бадий фильм.  
00.15-00.20 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Болажонлар экрани».  
«Жуманжи».  
18.55, 20.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.  
19.10 «Ҳақон географияси».  
20.00 «Телефакт».  
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».  
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)  
21.20 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 14-қисм.  
22.15 Кинонигоҳ.  
«Фараонлар ва Робертсонлар».  
23.40-23.45 «Хайрли тун, шахрим!»

**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдарли».  
9.30 «Ҳамма уйдалигида».  
10.10 «Кайфият».  
Информацион-дам олиш дастури.  
11.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
11.50 «Парле ву франсе?»  
12.15 «Экран зийнати ва қиймати».  
12.40 «Мультисеанс».  
13.00-14.00 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Айнурек».  
15.55 Кўрсатувлар тартиби.  
16.00 А. Пугачёва, Н. Басков, Ф. Киркоров «Катта концерт» дастурида.  
17.50 «Дисней клуб».  
18.10 «Билганим истайман».  
18.25 «Ассалом Франция».  
18.45 «Ҳикоя».  
19.05 Кинематограф. «Сохта яқинлик». Бадий фильм.  
20.35 «Мозик-холл».

21.00 «7 кун».  
21.25 «Олтин микрофон».  
21.55 «Кинопрофи».  
22.10 «Канонерка». Бадий фильм.  
23.50 «Тахлилнома».  
00.25 «Тунингиз оғуда бўлсин!»  
**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.35 Телехамкор. 9.30 «Сув париси». Мультисериал. 10.00 Фильм - болаларга. 12.00 Оилавий кино. «Мушкетёр». 13.40 «Баффи». Сериал. 14.30 Кундузги кинозал: «Ўғри болалар». 16.10 «30-канал» да қизиқарли учрашувлар. 17.00 «Ўз ўйини». Телешоу. 18.10 «30-канал» киноқшоми: «Шиддатли даврлар» Оғохлан-тириш. 19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Агентлик». Сериал. 21.00 «Уни Никита деб атардилар». Сериал. 21.55 «Яшанба киноқшоми: «Бир кун сен нотаниш аёлни учратасан». 23.30 «Доринома». Сериал. 24.00 Спорт шарҳи.

# ДОИМ ҲАҚ СЎЗЛА



## КЕЛАЖАГИ БУЮК ЮРТ

Орзуларим қанот қоқар Хумо қушдай,  
Жаннатмақом ўлка, боғу бўстонимсан.  
Дадил, олға борар ҳеч тўхтамасдан —  
Келажаги буюк юрт, Ўзбекистонимсан.  
Боғ яратган боболарим тоғу тошларда,  
Ёшларга бахт тилаб, ёзган дostonимсан.  
Истиқлол неъматин умрбод яшар —  
Келажаги буюк юрт, Ўзбекистонимсан.  
Тилагим бор, тинчлик бўлсин еру осмонда,  
Мангуберди, Кубролар маҳкам тутган байроғимсан.  
Амир Темур ардоқлаган она заминда —  
Келажаги буюк юрт, Ўзбекистонимсан.  
Донишманд юртбошим ўзи қўлаган,  
Эзгу ишларга ҳам ўзи йўлаган.  
Истиқлол байроғи ҳилпира мангу —  
Келажаги буюк юрт, Ўзбекистонимсан.

## ТУТАШ ҚАЛБЛАР

Ўзбек, қозоқ — туғишган,  
Бир онанинг фарзанди.  
Қалблар маҳкам туташган  
Бир оила дилбанди.  
Неча-неча асрлар,  
Яшаб, аҳил, ёлма-ён.  
Сир бўйида сирлашдик  
Ўртамызда дастурхон.  
Қир-адирда, яйловда,  
Бирга пода боққанмиз.

Сой бўйида чопқиллаб,  
Бирга тутни қоққанмиз.  
Туйда улоқ тортишиб,  
Бирга айтганмиз ёр-ёр.  
Ўзбек — ўзимнинг оғам,  
Ҳар қозоқ айтар такрор.  
Истиқлол неъматини,  
Тотамиз дорилламон,  
Дўстлигимиз гулласин,  
Бошимиз бўлсин омон.

## ПОК ТУТГИЛ ДИЛИНГ

Ҳаётда кўп экан,  
Пасту баландлик.  
Дўстга қўл чўзгил,  
Қилма ёмонлик!  
Тубан кетма ҳеч пайт,  
Доим бўл одил,  
Сўзинг очик айт,  
Бўлма муғомбир.

Ёмонга бош эзма,  
Ялинма зинҳор!  
Бировга тегма  
Феъли бўлса тор.  
Ҳамиша кўпнинг  
Фойдасин кўзла.  
Пок тутгил дилинг,  
Доим ҳақ сўзла!

## Sport

### КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАН ПОЛВОН

Абдулла Тангриев Сурхондарёнинг Бойсун туманидан. Кураги ерга тегмаган полвонлар авлодидан. Тангриевлар сулоласи вакиллари суяги тўйларда, сайлу байрамлардаги курашларда қотган. Ана шундай беллашувларнинг бирида уқасидаги икtidорни пайқаган дзюдо бўйича спорт устаси Абдукарим Тангриев 9 ёшли Абдулани пойтахтга олиб келди.

Дастлаб, Абдуллага аксининг ўзи мураббийлик қилди. 1993 йилда у Республика олимпия захиралари коллежига ўқишга қабул қилинди. Бу даврда унинг мусобақаларда маҳорати чарчанди, алғибат полвон бўлиб етишди. 19 ёшига етганида кўплаб тажрибали спортчилар учун армон бўлиб келаётган орзуга эришди. 2000 йил Австралияда ўтказилган ёш Олимпиада ўйинларида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди.

Эндиликда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда ўзбек кураши, дзюдо ва самбо бўйича Абдулла Тангриевнинг олдига тушадиган спортчи кам топилди.

Спорт соҳасида нималарга эришган бўлсам, барчасини Ватанимизнинг мустақиллиги шарафидан, деб биламан. — дейди Абдулла полвон. — Зеро, истиқлол бизга нималарга қодирлигимизни кўрсатиш имкониятини берди.

Юртбошимиз Ислам Каримов мустақилликнинг илк кунлариданок мамлакатимизда спортни ривожлантириш бора-

сида тинмай ғамхўрлик қилиб келади. Бунинг самараси ўларок, ҳамюртларимиз кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон миқёсида юқори натижаларга эришяпти. Айниқса, миллатимиз ифтихори — курашнинг халқаро спорт турига айлангани барчамизни мамнун этмоқда.

Бухорода ўтказилган «Универсиада-2002» мусобақаларида Абдулланинг кураш бўйича битта, дзюдодан эса учта олтин медални қўлга киритгани, унинг ҳаётидаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлди.

— Фолиблик шохсупасига кўтарилганингизда кўнглингиздан нималар ўтади?

— Мадҳиямиз тантанавор янграб, байроғимиз кўтарилганида, қалбим гурур ва ифтихорга тўлади. Кучимга куч, ғайратимга янада ғайрат қўшилади. Алломишлар юрти бўлмиш Ватанимдан чексиз фахрланаман.

Абдулла полвон ҳозир кузда Жанубий Корейнинг Пусан шаҳрида бўладиган Осиё ўйинларига астойдил тайёргарлик кўряпти.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,  
ЎЗА муҳбири.

## ЎТТИЗ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА

Жорий йил "Устоз" жамғармаси учун, айниқса, муваффақиятли бўлди.

Чет элга тажриба орттиришга юбориладиган ўқитувчилар сони 3-4 баробар ортди. Эндиликда улар тараққий топган давлатларга компьютер технологи-

яси соҳаси бўйича тажриба оширишга ҳам юборилмоқда.

Ҳозиргача жамғарма қарийб ўттиз йўналиш бўйича тўрт марта республика танловини ўтказди. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Канада, Япония, Германия, Россия ва бошқа ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртра-

рида 600 нафардан ортиқ педагог тажриба орттириб қайтди.

Жамғарма Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги вазибаларни муваффақиятли амалга ошириш учун халқаро таълим ташкилотлари ва жамғармалари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

ЎЗА.

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали  
Сиз азизларни 2002 йил 11, 18, 25-сентябрь ва 2, 9, 16, 23,  
30-октябрь кунлари соат 10.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.  
Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Зангиота тумани халқ таълими бўлимига қарашли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 38-85 ТШС, бўлган «УАЗ-3303» русумли автотранспорт воситаси.  
Бошланғич баҳоси — 389900 сўм.
2. Бўстонлик тумани марказий конақонасига қарашли, давлат рақами 92-33 ТШС, бўлган «РАФ-22031» русумли автотранспорт воситаси.  
Бошланғич баҳоси — 787700 сўм.
3. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри Ғалаба кўчасида жойлашган ётоқхона биноси.  
Бошланғич баҳоси — 23563500 сўм.  
(Ер майдонининг нархи бу баҳога кирмайди).
4. 1985 йилда ишлаб чиқарилган «Универсал» станок — 2 дона.  
Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 1602700 сўмдан.
5. 1985 йилда ишлаб чиқарилган «Наждачный» станог.  
Бошланғич баҳоси — 651100 сўм.
6. 1985 йилда ишлаб чиқарилган «Ленточный» станог.  
Бошланғич баҳоси — 105000 сўм.
7. 1985 йилда ишлаб чиқарилган «Рама лесопильная» ускунаси.  
Бошланғич баҳоси — 3873200 сўм.
8. 1975 йилда ишлаб чиқарилган вентилятор.  
Бошланғич баҳоси — 123750 сўм.
9. 1985 йилда ишлаб чиқарилган «ДБ-213» станог.  
Бошланғич баҳоси — 159100 сўм.
10. 1985 йилда ишлаб чиқарилган «Егочни қайта ишлайдиган» токарлик станог.  
Бошланғич баҳоси — 1068500 сўм.
11. 1985 йилда ишлаб чиқарилган «ФСШ-321» станог.  
Бошланғич баҳоси — 79500 сўм.
12. 1985 йилда ишлаб чиқарилган «Распредпункт» станог.  
Бошланғич баҳоси — 259600 сўм.

Эслатма: Сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордени олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридоги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида ҳисоб рақамига кўради.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Маворуннаҳр кўчаси, 19-й, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.  
Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar

## РАСМАН РЎЙХАТДАН ЎТМАГАН

Кения пойтахтида Африка қитъасида қурол-яроғ тарқалишига қарши курашга бағишланган йиғилиш бошланди. Ундан ортиқ давлат вакиллари иштирок этаётган анжуманда Африкага ноқонуний равишда қурол олиб киришга йўл қўймаслик, давлатлараро ахборот алмашувини кучайтириш ва қатор бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинади. БМТ маълумотларига қараганда, ҳозир африкаликлар қўлида 100 миллион дондан ортиқ расман рўйхатдан ўтмаган ўқотар қурол бор.

## ҚАТТИҚ ЖАЛА ОҚИБАТИ

Англия пойтахтида ёғиб ўтган қаттиқ жала оқибатида шаҳарнинг асосий транспорт воситаси бўлмиш метронинг қатор бекатларини сув босди. Кутқарув хизмати ходимлари берган хабарга кўра, ерости йўлини электр билан таъминловчи тизимлар ишдан чиққани туфайли Лондон метросининг жами бекати ёпиб қўйилган.

## ҚАСАМЁД ПАЙТИДАГИ ҚЎПОРУВЧИЛИК

Колумбиянинг янги сайланган президенти Алваро Урибе қасамёд қабул қилаётган пайти мамлакатда қўпоровчилик содир этилди. Парламент биноси ёнига қўйиб кетилган портловчи модда 13 кишининг ҳаётига зомин бўлди ва 20 кишини жароҳатлади.

Қасамёд қабул қилиш маросими худди шу бино ичида бўлаётган эди.

## КАТТА МИҚДОРДАГИ МУСОДАРА

Хитой полицияси гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноятчиларнинг катта гуруҳини ҳибсга олди. Махсус операция натижасида Хитой пойтахтида 13 киши ўшланди. Улар ёнидан 100 килограмм гиёҳванд модда билан катта миқдорда пул топилди. Полициячиларнинг айтишича, мамлакат тарихида ҳали ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бу қадар катта миқдорда гиёҳванд модда мусодара этмаган.

## АРГЕНТИНА ИНҚИРОЗИНИНГ АСОРАТИ

Шу кунларда Уругвай пойтахти - Монтевидео кўчаларида оммавий тартибсизликлар авжга чиққан. Мамлакат молия тизимидаги танглик одамлар дўконларни талон-тарож қилишига сабаб бўлди. Пойтахтдаги 16 йирик савдо уйи талаб кетилди. Полициячиларнинг саъй-ҳаракати билан 14 савдо маркази сақлаб қолинди.

Ўтган йилнинг декабрида Аргентинада бошланган молиявий инқироз кўшни мамлакатларга аста-секин таъсирини ўтказиб бораётган.

Глобаллашув шароитида бир мамлакатда юз берган иқтисодий инқироз эпидемияга ўхшаб чегара билмай қолади. Уругвайдаги тангликнинг энди Бразилияга ўтиши хавфи туғилляпти. Хабарларга қараганда, ҳозир Бразилия реалли ҳам қадрсизлана бошлаган.

## БОЛИВИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Лотин Америкасининг марказида жойлашган Боливияда президентлик сайлови ниҳоясига етди. Президентлик курсиси 72 яшар Гонсало Санчес де Лосадага насиб қилди. Миллий инқилобий ҳаракат раҳбари бўлмиш Г.Лосада бир неча йилдан буён мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб келётган сиёсатчилардан бири ҳисобланади. Шунинг учун аксарият сайловчилар унинг галаба қозонишига шубҳа қилмаганди. Гарчи, сайлов жараёнида номзодлар ўртасида баъзи келишмовчиликлар кўзга ташланган эса-да, кузатувчилар сайлов адолатли ва демократик тамойилларга мос ҳолда ўтганини таъкидламоқда.

Сайловнинг аввалги даврасида икки номзодгина кейинги босқичга чиқиш ҳуқуқини берадиган даражада овоз тўплашга муваффақ бўлганди. Ҳал қилувчи даврада Г.Лосаданинг рақиб бўлиб сўл қанот партияси вакили Эво Моралес бўлди. Бироқ Э.Моралесга овоз берганларнинг аксарияти гиёҳвандлик моддаларини етиштирувчи деҳқонлар эди. Бу унинг сайловчилар орасида обрўсига зиён етказди, чамаси.

Умуман, Боливия тарихига назар ташланса, бу мамлакатнинг президентдан унчалик омади чолмаганини кузатиш мумкин. Масалан, аввалги президент Хорхе Кирога мамлакатни атиги бир йилгина бошқарган, холос. Ундан олдин давлат раҳбари бўлган Уго Бансер эса саратон касаллигига чалиниб, муддатидан аввал курсини бўшатган.

Ҳозир Боливияда ўттизга яқин сиёсий партия фаолият юритади. Бироқ, сиёсий гуруҳлар сони қанчалик кўпайса, мамлакатда зиддиятлар ҳам шунга яраша бўлиши маълум. Боливияда ҳам

партияларнинг мамлакат раҳнақи учун бир ёқадан бош чиқариб иш тутаяётгани ҳозирча кузатилмаётир. Шунданми, давлат бошқарув тизимида бошбошдоқлик кўзга ташланади. Бунга президентларнинг кўнимсизлиги ҳам сабаб бўлаётганини айтиш жоиз.

Янги президентнинг ёши бир жойга бориб қолгани билан, ҳали анча тетик. Г.Лосада тажрибали сиёсатчи сифатида ҳам танилган. Чунки, у 1993-1997 йиллар ораллигида ҳам мамлакатни бошқарган эди. Кекса президент мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий тизимида ислохотлар қилишга аҳд қилган. Бунга эса асос етарли.

Мамлакат иқтисодиёти анчадан буён тушкунлик даврини бошдан кечирмоқда. Тўрт асосий вилоятга бўлинган Боливиянинг даромад манбаи кон санатидан келади. Шунингдек, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати ҳам истиқболли соҳа ҳисобланади. Бироқ маҳаллий ҳукумат вакиллари ўртасида порохўрлик ва таниш-билишчилик иллати авж олгани туфайли ушбу сёрдаромад соҳаларни ривожлантиришнинг имкони бўлмаётир. Г.Лосада эса айнан шу муаммага барҳам бермоқчи.

Дарвоқе, янги президент ташқи сиёсатга ҳам кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Зеро, ҳозирги глобаллашув жараёнида мамлакатнинг иқтисодий қудратини халқаро ҳамкорликсиз ошириб бўлмаслиги маълум. Бу борада Г.Лосада АҚШ, Буюк Британия, Япония сингари жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан алоқаларни кенгайтириш ниятида.

Уч юз йил Испания, сўнгра Перуга қарам бўлган Боливия халқи шу пайтгача ўнлаб йўлбошчи кўрди. Бир қарашда, Г.Лосада ҳам уларнинг бири, холос. Лекин, мамлакат халқи янги президентнинг бой сиёсий тажрибага эга эканини инобатга олиб, унга катта ишонч билдирмоқда.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,  
ЎзА шарҳловчиси.



Прага.

Турфа олам

## «СУТ» ДАРАХТ

Табиат мўъжизалари шунчалик турли-туманки, айримлари кишини лол қолдиради, ҳайратга солади. У яратган айрим дарахтлар ҳам мўъжизанинг ўзгинаси. Улар ҳақида бошқа қитъалар аҳолиси хабардор эмас.

Масалан, Коста-Рика республикасида «сут дарахти» деб аталувчи дарахт ўсади. Агар унинг пўстлогини қийшиқ қилиб ўйсангиз ундан куюк шарбат оқа бошлайди. У ранги ва таъми билан сигир сутидан деярли ҳеч қандай фарқ қилмайди. Бу шарбатни бемалол ачитиб, ундан турли хил «сут» маҳсулотлари олиш мумкин. Бундай «сигир»ни яхшилаб парвариш қилинса, у ҳар кун чорак кам бир литр «сут» беради. Мексикада эса «динамит» деб аталувчи дарахт ўсади. Унинг қовоқдай мевалари тановул қилишга яроқсиз. Лекин, ажабтовур «хислати» билан машҳур. У пишиб этилганидан кейин, қаттиқ товуш чиқариб ёрилиб кетади, бунда атрофга ўткир учли уруғлар — осколкалар тарқатади.



## УНИНГ ТАЪМИ — СИГАРЕТА ҚОЛДИГИ

Ҳиндистонлик бу аёл ҳозир олтимиш ёшга қоралаган, унинг бир гайри табиий одати бор. Хайяруниза ҳар куни сигарета қолдиқларини истеъмол қилиш билан шуғулланади. Мана, ярим асрдан бери шу одатини ташламайди, ҳатто шифокорларнинг бундай қилиш зарарли бўлгани учун уни ташлаш ҳақидаги панд-насиҳатларига ҳам қўлоқ солмаяпти. У ҳар куни эрталаб кўшни кўчаларни айланиб, сигарета қолдиқларини йиғади. У барвақт туришга мажбур, чунки кўча супурувчилар қолдиқларни супуриб ташлашлари мумкин.

Хайяруниза сигаретанинг маҳаллий тури — «бииди»ни хуш кўради. Унда тамаки қоғозга эмас, балки тамаки баргига ўралади. У бундай зарарли одатга ёшлигида ўрганиб қолган. Отаси ниҳоятда кашанда бўлган, кизи эса у чекиб ташлаган сигарета қолдиқларини чайнаб юришга, овқат ўрнида уни ейишга ўрганган. Эндиликда уни тарқотолмаяпти. Оқибатда уни ошқозони тез-тез оғрийдиган бўлиб қолди, лекин, ҳамон бу иллатдан воз кеча олмаяпти.

Тарки одат амри маҳол деганлари шу бўлса керак.



## ЧАҚМОҚЛАР ЎЎНТ МАНБАН

Думалоқ чақмоқлар электрик зарядми, газлар қуйқасими ёки шакллантирилган ҳаво гирдобларими? Олимлар бу ҳақда ягона хулосага келганлари йўқ. Лекин чақмоқ даҳшатли ва хавфли табиий ҳодисагина бўлиб қолмай, фойдали томони ҳам бор экан. У табиат томонидан «азот ўғитлари» ишлаб чиқариш бўйича ўзига хос механизм вазифасини ўтайди. Ҳар бир чақмоқ чақиши 2-3 тоннадан азот оксиди беради. Шу йўл билан ҳар йили ёмғирлар билан бирга ер сатҳига юзлаб миллион тонна азот тушади, бу ўсимликларнинг ўсишига ёрдам беради.

Чақмоқлар тропиклар ва экватордаги вилоятларда энг кўп содир бўлади. Масалан, Ява оролида бир йилда 332 кун шундай табиий ҳодиса юз беради. Кутб орқасида эса, йилига 1-2 кун бўлади, холос.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

## Археологик кўргазма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Кампиртепа – Окс бўйидаги Бахтрия шахри" деб номланган кўргазма очилди. У Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги – Japan International Cooperation Agency /JICA/ томонидан ташкил этилди. Мазкур ноёб кўргазма таниқли археолог ва тарихчи, академик Эдвард Ртвеладзе раҳбарлигидаги Тохаристон археологик экспедициясининг 1999-2002 йиллардаги фаолияти якунлари бағишланган.

Эрамининг I-II асрларига келиб, Кушон шоҳлари Вима Ток, Кадфиз II, Ка-

нишка ҳукмронлик даврида Кампиртепа 20 гектар майдонни эгаллайди ва ўзининг

ҳарбий аҳамиятини йўқотиб, савдо карвонларидан бож олиш, уларга хизмат кўрсатиш вазифасини бажарувчи божхона масканига айлана боради.

Кампиртепа тўрт қисмдан иборат бўлган: омборхона (собиқ шахристон), девор ва миноралар билан ўралган турар-жой ҳудуди, диний-маросим иншоотлари, савдо-хунармандчилик қисми.

Ўрта Осиё ва қўшни мамлакатлар археологик тажрибасида илк бор шахристон, шу жумладан 11та кўчадан иборат турар-жой қисми деярли тўлиқ

очилган. Шахристонда қадимий тангалар, ёзма ёдгорликлар, сопол, заргарлик буюмлари, санъат намуналари, меҳнат қуроллари, Миср, Эрон, Хиндистон, Кичик Осиё, Хитой ва бошқа юртлардан келтирилган буюмлар топилган. Улар орасида бронзадан ишланган маросим идиши, расмлар ишланган тароқ, парфия ёзуви бор лой тамга бор. Эрамининг II асрида Кампиртепа Амударё суви остида қолиши хавфи туғилгани сабабли аҳоли шаҳарни тарк этган.

ЎзА.

## Муносабатимизнинг ўн йиллигига

Штутгарт шаҳридаги Давлат этнография музейида Ўзбекистон ва Германия ўртасида ўрнатилган дипломатик муносабатнинг 10 йиллигига бағишланган "Ўзбекистоннинг миллий амалий санъати" кўргазмаси муваффақиятли ўтмоқда. Октябрь ойига давом этадиган ушбу кўргазмада халқ хунармандлари "Хунарманд" уюшмасининг бир гуруҳ усталари ҳам иштирок этмоқда.

Бугунги кунда "Хунарманд"да 12 минг нафардан зиёд уста ва хунарманд меҳнат қилаётди. Улар халқ амалий санъатининг 40 дан ошмиқ тури бўйича бадий буюмлар тайёрлаб, ушбу санъатнинг унутилган аъёнларини тикламоқда.

Ёғоч ўймакорлиги халқ амалий санъатининг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳада энг истеъдодли усталар меҳнат қиляпти. Улар турли хил безак буюмлари, яъни ўймакор кутичалар, қаламдонлар, медальонлар, расмлар ва бошқа буюмларни қўлда тайёрлайди. Наққошлар эса мойбўёқ ва табиий бўёқлар билан хонтахталар, пардалар, устунлар ва эшикларда акс эттирилган кўплаб нақшли композициялар турларини яратди.

"Хунарманд" уюшмаси уста ва хунармандлари биргина ўтган йили Германия, АҚШ, Франция, Япония, Греция каби давлатларда ўтказилган турли халқаро кўргазмалар, фестиваллар ва танловларда мукофотларга сазовор бўлди. Буларнинг барчасига мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилаётгани боис эришилди.

Н. УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири.

## I. ЭР ҚАДРИНИ БИЛГАН ХОТИН

Фақир бир одам ўз қишлоғидаги ҳамма хонадонларнинг сизиларини тўлаб яйловда боқиб беради. Унинг бировга оғирлиги тушмасди, оиласини шу меҳнати билан тебратарди.

Бу чўпоннинг ахволни тушунадиган, эрининг қадрини билладиган, фаросатли, оқила хотини бор эди. Шунинг учун қишлоқда энг бахтиёр одам ҳисобланарди.

Қишлоқда кимки хотинидан ҳақли чиқса, «Бор, чўпоннинг хотинидан ибрат олиб кел», дер эди. Кунлардан бир кун қишлоқ оғаси хотинидан ҳафа бўлди.

Азбаройи ҳақли чиқиб: — Эй гапга тушунмайдиган, бефаҳм хотин, бориб қишлоғимиз чўпоннинг хотинидан озгина бўлса ҳам ақл ўрган, у фақир хотиндан ибрат ол, эрни қадрлашни билиб кел, — деди-ю ишига кетди. У кетгач, хотини безовта бўлиб қолди. Ўрнидан туриб, «чўпоннинг хотинини ҳамма таърифлайди, бир кўриб келай-чи, ўзи қанақа экан?», деб уларнинг уйига борди.

У кириб келган пайтда чўпоннинг хотини ҳовлидаги, офтобда турган идишдан сув олиб

ичар эди. Қишлоқ оғасининг хотини:

— Шу сувингиздан менга ҳам озгина беринг, — деди. Чўпоннинг хотини:

— Бу сув исиб қолган, сизга ҳозир муздайини олиб келаман, бир оз кутинг, — деди.

— Сиз ўзингиз нега исиб қолган сув ичмоқдасиз?

Бунга жавобан чўпоннинг хотини:

— Хоним, шу онларда эрим офтоб жазирасида юрибди. Чанқаб кўёшда қизиган мешчасидаги сувдан ичаётгандир. Эрим у ерда исиган сувни ичса-ю, мен бу ерда муздек сув ичиб роҳатлансам, хотинлигим қаерда қолди!.. — деб жавоб берибди. Қишлоқ оғасининг хотини бу гапдан лол бўлиб қолган экан.

Дарҳақиқат, мана шундай феъли гўзал, тарбияси гўзал аёлларнинг фазилатлари бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилади.



## Ибратнома

## Икки ҳикоят II. КЎЗИ ЭМАС... ҚАЛБИ КЎР

Ўтган замонларда бир ақлли, бой-бадавлат йигит уйланибди. Унинг бир кўзи ожиз экан. Йигит уйига меҳр қўйган, топармон-тутармон, яхши феъли инсон эди. Ҳар оқшом уйига кучоғини тўлдириб нарсалар олиб келарди. Хотини эрини қувонч билан кутиб олиб, хурмат кўрсатар эди.

Орадан йиллар ўтибди. У кишининг иши бирдан орқага кетибди-ю, бир кун уйига қўллари бўш келибди.

Эри уйга кирар-кирмас, хотин: — Вой, сизнинг бир кўзингиз кўрмас экан-а!.. — деб юборибди. Кўпни кўрган у кишининг дили вайрон бўлиб:

— Шу кунгача кўрмаганимнинг, — дебди совуқонлик билан.

Бефаҳм хотини тап тортмай унга:

— Шу пайтгача қўлингизга қараб, кўзингизга қарашга вақт бўлмаганида, — дебди.

— Хоним, — жавоб берибди у киши, — аслида эрининг икки кўзи кўрдир. Кўр бўлмаса бош оғриқ қилиб, сен каби ақли қисқага уйландимми?

Бу ҳикояда эрининг бир кўзи ожиз бўлса ҳам, юраги тоза, дили пок, аксинча аёлининг кўнгли кўзи кўрлиги таърифланади. Ақли қисқа бўлмаса, шу пайтгача эрининг кўзи кўрлигини юзига солмаган хотин энди айтармиди?

Оила бахтли бўлмоғи учун хотин яхши тарбия кўрган бўлиши ва ўз ақли, фаҳм-фаросати билан эрининг қадр-қимматининг баландлигини тушуна олиши лозимдир.

Кумуш  
ЭГАМБЕРДИЕВА  
тайёрлади.



## Bolalik bog'i

## DUNYODA KO'PDIR HUNAR

Dunyoda ko'pdir hunar,  
Hammasi ham zo'r ular.

Biri birin to'ldirar,

Biri birin jildirar.

Zarurlikda, nechog'lik,

Birin biriga bog'liq.

Hunarli barcha joyda,

Elga keltirar foyda.

Yeru dengiz, osmonda,

Demak, hamma tomonda,

Hunarlilar xizmatda

Va hurmatda, albatta.

Dunyoda ko'pdir hunar,

Hammasi ham zo'r ular.

Po'lat MO'MIN.

## Ажойибот

## УЙҚУДАГИ АЙИҚНИ УЙФОТМАНГ!

АҚШда жуда фаройиб қонунлар қайд қилинган китоб нашр қилинди. «Аллигаторларни ёнгин жұмрақларига боғлаш ман этилади» деб номланган бу китобнинг муаллифлари 18 ёшли Энди Пауэлл ва Жефф Кун бундай ҳуқуқий хангомаларни Интернет ёрдамида тўплаган.

Улар туфайли ўқувчилар Аляскада суратга олиш учун уйқудаги айиқларни уйғотиш ман этилганини, Аризона штатида эса туяларни овлаш, Каролинада отларни ваннада туриши мумкин эмаслигини билиб оладилар. Китобдаги ҳуқуқий қонунлар фақат ҳайвонлар ҳақидагина эмас. Минносот штати аҳолиси яланғоч ухлаш ҳуқуқига эга эмас, Луизианада эса, кимнидир тишлаган инсон жағлари ясама эканлиги аниқланса, унинг айби янада чуқурлашади.

Муаллифлар анча оғир тартиб бузилишлари ҳақида ҳам ҳикоя қилишади. Юта штатида ядро снарядларини уйда сақлаш таъқиқланмайди, аммо уни портлатиш қатъиян ман этилади.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси вилоят кўз микрохирургия маркази директори Зафар Сиддиқовга рафиқаси **Мохира СИДДИҚОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## «БУЮРАМАН...»

### (ҲАЖВИЯ)

Раззоқ Қосимов бошқармада янги лавозимга кўтарилди. Қиладиган иши ташкилотлардан келган хатларни «регистрация» қилиш, бўлимларга бериб, назорат қилиш. Вазифа бир қарашда осондек. Аммо ғирт «бош оғриқ» иш экан. Раззоқ бу соҳанинг «тили»ни билиш учун ўздан «каттароқ» раҳбарлар

билан «алоқа» боғлаб, ишни «қойиллатиб» бажаришга уринарди.

Орадан олти ой ўтди. У «касби»нинг «устаси» бўлиб олди. Ишлари юришгандан юришиб бораверди. Йил охири — ҳисобкитоб даври бошланганда, Раззоқнинг кайфиятида ҳорғинлик

аломатлари сезила бошлади. Бир томони «қоғоз ишлари» исканжага олган бўлса, иккинчи томондан «текширувчи», «иш ўргатувчи»ларнинг келиб-кетиши бош қашлашга йўл қўймасди. Шунчалик ишга киришиб кетганидан касбидаги айрим атамаларни оиласидагиларга ҳам қўллаб юборадиган қилиқ чиқарди.

Одатдаги иш кунини тамомлаб уйга қайтган Раззоқ кичкинтой ўғлининг ноҳўя хатти-ҳаракатидан хунобо ошди. Нима бўлибди денг: кенжатоий Норкул дадасининг стол лампасини куйдириб қўйибди. Асаби таранг тортган

Раззоқ хотинига ўқира бошлади:

— Оилада интизом издан чиқиб кетди. Ўзбошимчалик авж олган. Бу билан келишиб бўлмайди. Бола тарбиясига эътибор сустиги туфайли сенга, онаси, «танбеҳ» бераман.

Хотинининг кулгиси қистаб:

— Бу дейман дадаси, «касбингизни» сув қилиб ичиб юборганингиздан ўз болангизга ҳам қаттиққўллик қиласизми? Норкул ўғлингиз битта лампани куйдирган бўлса куйдирибди-да. Шунга ҳам қозихонами? Енингизга чақриб, ётиги билан унга тушун-

тирсангиз, эси кириб қолармиди?

— Аёл кишига эрининг, эр-қакнинг гапини икки қилиши уятку, — баттар повиллади Раззоқ. — Бу ишинг учун сенга буюраман: бугундан бошлаб оилада қаттиқ интизом ўрнатилсин. Талабга бўйсунмаганларни тол новдасидан тайёрланган калтак билан савалайман. Мана сенга бўлмаса...

Хотини Раззоқнинг бу қалтис буйруғидан хангу манг бўлиб қолди. Буйруқ буйруқ-да, лаббай...

Абдузхур ҚОРАБОВ.

ТОШКЕНТ HAQIQATI

Муассис  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-70-10, 136-53-80.

Манзилими:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»  
техник ва компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-655. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.15. 1 2 3 4 5 6